



1382 йилда Тўхтамишнинг Москвага бостириб кириши Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Россиянинг Шимолий-Шарқий ерларидаги харбий юриши бўлиб, Москва князи Дмитрий Ивановичнинг Гарбий Волга Ўрдасининг амалда хукмдори беклар беги Мамай билан (1374) "ярашишдан", Мамайнинг 1376 (Руснинг Волга Булгорига юриши), 1378 (Вожа жанги) ва 1380 йиллардаги (Куликово жанги) маглубиятлари ва бутун Олтин Ўрда худудида Тўхтамиш хокимиятининг ўрнатилишидан (1380) кейин буюк салтанат ерларининг Ўрдага хакикий карамлигини тиклашга қаратилган.

Кўп жихатдан кутилмаганлик таъсири туфайли Тўхтамиш буюк князликнинг марказий вилоятларини унинг бирлашган кучлари билан тўқнашувсиз вайрон қилишга ва Олтин Ўрдага қарамлигини тиклашга эришди.

1377 йил Ок Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон Амр Темур ёрдамида Ўрданинг шарқий қисми пойтахти Сигнокни босиб олди, 1379 йилда Саройни, сўнгра Дон дарёсининг этагидаги ерларни қўлга киритди.

Олтин Ўрданинг яширин ҳукмдори Мамай Куликово жангидаги мағлубиятдан сўнг Москва князига қарши янги юриш учун Қримда куч тўплади, лекин бунинг ўрнига Калъа дарёсида Тўхтамишга қарши жанг қилишига тўғри келди, бу ерда жанг олдида Мамайнинг қўмондонлари ва мирзолари отларидан тушиб, Тўхтамишга итоат қилишини билдирди. Мамай бойликларини олиб Кафага қочди, лекин бу ерда собик иттифокчилари бўлган генуяликлар томонидан ўлдирилди ва таланди.

Тўхтамиш Москвага ва бошқа рус князларига ўзининг рақиби ва уларнинг душмани устидан қозонилган ғалабаси, шунингдек, Олтин Ўрдада ҳокимиятни қўлга киритгани ҳақида хабар юборди.

Элчиларнинг сўзларига кўра, Тўхтамиш Буюк Москва князи Дмитрийга Куликово жангида Мамаини мағлуб этгани учун миннатдор бўлган, аммо у Олтин Ўрда хонини эмас, балки хон ҳокимиятини тўғри олган золимни мағлуб этган ва ҳозир чингизийлар оиласидан бўлган қонуний хон Ўрдада ҳокимият тепасига келгач, Русь аввалгидек Олтин Ўрдага ўлпон тўлаши керак, бунинг эвазига Тўхтамиш Дмитрийга раҳм-шўфқатини ва душманлардан ҳимоя қилишини билдирди. Элчилар ҳурмат-эҳтиром билан қўтиб олинди, уларга совғалар тўғри қилинди, лекин Дмитрий ўлпон тўлаш ва бўйсунитиш тан олишдан бош тўртди.

1381 йил ёзида Тўхтамиш князь Оқхўжани 700 кишилик отряд билан Буюк князь ва бошқа князларга юборди, бироқ Нижний Новгородга етиб борган Оқхўжа Ўрдага қайтди, Москвага эса элчиларни юборди, лекин улар афтидан, Москвага етиб бормаган.

Москвага юриш

1382 йил Қозонда Тўхтамишнинг ҳаракатлари ҳақида Москвага хабар етказилишининг олдини олиш учун тўсатдан рус савдогарлари ва меҳмонлари ўлдирилди ёки ҳибсга

олинди. Уларнинг товарлари ва мол-мулки мусодара килинди, кемалари эса Волга оркали кўшинларини ташиш учун Тўхтамишга етказиб берилди. Тўхтамиш кўшинларини ўнг киргокка ўтказгач, уларни яширинча ҳаракатлантирди. У кўшинини тез ва яширинча, шундай маккорона айёрлик билан бошкардики, руслар унинг юриши ҳақида хабар топмасликлари учун янигиликларнинг улардан тезроқ ҳаракат қилишига йўл қўймади. Тўхтамишнинг ҳаракатлари ҳақида ўз вақтида хабар топган Нижегород-Суздаль князи Дмитрий Константинович ўғиллари Василий Кирдяпа ва Семенни элчи қилиб юборди, лекин улар Тўхтамиш кўшинининг тез ҳаракатланиши туфайли хонни жойидан топа олишмади ва ортидан қувиб, бир неча кундан кейингина Рязань князлиги чегарасида унга етишди.

Рязань князи Олег ўз князлигининг вайрон қилинишига йўл қўймаслик учун Тўхтамиш билан ўз юртидан ташқарида учрашди ва Ока дарёсида ўтиш мумкин бўлган жойларни кўрсатиб, итоаткорлик намойиш этди. Тўхтамиш кўшинини Рязань князлигини шарқий томондан айланиб олиб ўтди.

Тўхтамишнинг юриши ҳақидаги «татар чегараларида яшовчи баъзи хайрихоҳлар» хабари Москва князи Дмитрийни эсанкиратиб қўйди. Москвада ваҳима бошланди. Буюк княз ўрдаликларга қарши чиқди, лекин бошка князлардан ёрдам олмагач, тарқоқлик ва қучлар етишмаслигини кўриб, кўшин тўплаш учун ортга, шимолга - Переяславль оркали Костромага, Владимир Андреевич Серпуховской эса Волок Ламскийга йўл олди.

Тўхтамиш Ока дарёсидан ўтиб, Серпуховни қўлга киритди ва «волстлар ва кишлокларга ўт қўйиб, насронийларни ўлдириб, баъзи одамларни эса асира олиб» Москва томон йўл олди.

Атрофдаги қўплаб жойлардан одамлар мол-мулки билан кремль деворлари ортида паноҳ топиш учун Москвага қараб югуришди. Москвада тартибсизликлар бошланди. Баъзилар ҳам дарвозаларни ёпиб химояланишни ишташди, бошқалар эса шаҳарни тарқ этишга уринишди. Улар ўртасида жанжал келиб чиқди. Вече шаҳардан ҳеч қимми чиқармасликка қарор қилди. Дарвоза олдида қилич ялангочлаган ва найза қўтарган одамлар туриб, ҳеч қимми шаҳардан чиқармади. Фақат князь оиласи ва Киприаннинг кетишига рухсат берилди. Малика Евдокия болалари билан бирга Костромага Дмитрий хузурига, Киприан эса Тверга йўл олди.

Русь хизматида бўлган литвалик ёш князь, Ольгер Остейнинг набираси Москвага келди. Кайсидир маънода у тартибни тиклашга ва мудофаага раҳбарлик қилишга муваффақ бўлди. Ўрдаликларни қамал қилиш учун материаллардан маҳрум қилиш учун москваликлар барча аҳоли пунктларини ёқиб юборишди. Деворларни мустаҳкамладилар, катрон, қайнаб турган смола, қайноқ сув ва тошларни тайёрлаб қўйдилар.

Москва мудофааси

23 август куни Тўхтамишнинг илгор гурухлари Москвага яқинлашди. Деворларга яқинлашиб, улар шаҳар аҳлига «Шаҳарда Буюк князь Дмитрий борми?» савол берди. Уларга «йўқ» деб жавобберишди. Ўрдаликлар девордан узоклашиб, шаҳар атрофини айланиб чиқишди, яқинлашиш мумкин бўлган жойларни, хандақларни, дарвозаларни ва

ўк отиш мумкин бўлган жойларни кўриб чиқишди. Ўша пайтда шаҳарда одамлар черковларда ибодат қилишган, бошқалар эса боярлар ва бойларнинг ертўлаларини очиб, асал ва виноларини олиб чиқишган, маст бўлгунча ичишган, мактаниб, «ифлос татарларнинг келишидан кўркмаймиз, бундай мустахкам шаҳарда... ахир икки қарра кўркув бор: шаҳарда – жангчилардан, ташқарида - князлардан» дейишган.

Ўрдалиқлар уларга жавобан қиличларини силкитишган.

24 августга ўтар кечаси Тўхтамиш бошчилигидаги асосий қучлар шаҳарга яқинлашди.

Ўрдалиқлар шаҳар деворларига яқинлашганда, москвалиқлар уларга ўк отишди. Ўрда ўқлар билан жавоб бериб, шаҳарнинг кўплаб химоячиларига зарба берди ва нарвонларни қўйиб, хужумга ўтди. Шаҳар химоячилари тепадан қайноқ сув қуйишди, тош отишди, камонлардан ўк узишди. Москвалиқлар, шунингдек, 1376 йилги кампания пайтида Булгордан олиб чиқилган ўкотар қуроллардан фойдаланганлар. Барча хужумлар қайтарилди, хужумчиларга катта зарар етказилди. Москвалиқлар бири, Адам исмли тўқувчи Фрол дарвозасидан туриб ўрдалиқлар қўмондонини кўргач, унга арбалет бир ўк узишда ўлдирди.

Эртаси куни, 25 августда Ўрда яна тўхтовсиз равишда шаҳарга хужум қилди, аммо бу натижа бермади. Шаҳарни зўрлик билан эгаллай олмаган ва бир вақтнинг ўзида катта йўқотишларга дуч келган Тўхтамиш айёрликдан фойдаланишга қарор қилди.

26 август куни Ўрда князлари ва зодагонлардан иборат делегация музокаралар учун шаҳар деворларига яқинлашди. Уларнинг ёнида Москва княгиняси Евдокиянинг ака-укалари бўлган Суздал князининг ўғиллари Василий ва Семён ҳам бор эди.

Парламентерлар Москва аҳолисига шундай деди:

«Подшоҳ сизга, ўз халқига раҳм-шафқат кўрсатмоқчи, чунки сиз айбсизсиз ва ўлимга лойиқ эмассиз, чунки у сизга қарши урушга келмаган, аммо Дмитрийга қарши қурол кўтарган. Сиз афв этилишга лойиқсиз. Подшоҳ сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилмайди, шунчаки князингиз билан бирга уни шараф ва совғалар билан қутиб олиш учун чиқинг, чунки у бу шаҳарни кўришни, унга киришни ва ташриф буюришни хоҳлайди ва у сизга тинчлик ва муҳаббат бағишлайди ва сиз шаҳар дарвозаларини очасиз».

Уларнинг сўзларини Нижний Новгород князлари Василий Кирдяпа ва Семён ҳам тасдиқлади:

"Бизга ишонинг, биз Сизнинг насроний князларингизмиз, қасам ичамиз".

Шаҳарлиқлар ишонишди ва дарвозаларни очишди. Шахзода Остей, рухонийлар, боярлар ва оддий одамлар тантанали равишда шаҳардан чиқишди. Ўрда уларга ташланди ва ҳаммани қиличдан ўткази бошлади. Химояланмаган деворларга чиқиб, Ўрда ҳамма нарсани талаб, ўт қўйишни бошлади. «Шаҳрида ва шаҳар ташқарисида буюқ жанг жанг бўлди. Қўллари ва елкалари заифлашгунча ва улар қарчагунча чопишди». Одамлар нажот излаб, қўчаларда тўда-тўда бўлиб юришди. Ўрда черковларнинг эшикларини синдирди ва у ерда яширинган барча ёшдаги фуқароларни — чакалоқлардан тортиб то кексагача судраб чиқди ва яланғоч қилиб ечинтирди. Иконалардан қимматбаҳо тошларни юдқаб олган Ўрдалиқлар авлиёларнинг тасвирларини оёқ ости қилди ва барча черков анжомларини олиб чиқди. Саклаш учун барча шаҳар атрофидан Москвага олиб келин жуда кўп сонли қитоблар ёнгинда йўқ қилинди. Бутун князлик хазинаси олиб чиқилди. Барча одамлар чопиб ташланди, ёқиб юборилди, сувга қўктирилди ёки қулликка олиб кетилди.

Тўхтамишнинг кетиши

Москвани эгаллаб, Тўхтамиш ўз кўшинларини бутун Москва мулкига: Звенигород, Волок, Можайск, Юрьев, Дмитров ва Переславл-Залесскийга таркатди. Бирок, буларнинг факат охиргиси босиб олинган. Кўплаб аҳоли кайикларда кочиб, Плещеево кўлининг ўртасига сузиб кетишди. Волокга якинлашган отряд Владимир Андреевич Серпуховскийнинг шошилишч йигилган кўшини хужумига учради ва бутунлай маглуб этилди. Кўплаб татарлар асирга олинди. Колганлар жанг майдонидан кочиб, бўлган воқеани Тўхтамишга етказдилар. Тўхтамиш Дмитрий кўшинларининг Костромадан якинлашиб қолишдан кўркиб, дархол ўз кўшинларини йига бошлади ва Москвани тарк этиб, ортга кайтишда Коломнани вайрон қилди. Ока дарёсидан ўтиб, Тўхтамиш Олег Рязанский билан келишувга зид равишда унинг ерларини талади. Олег қочди. Рязан худудини тарк этиб, Тўхтамиш Дмитрий Суздальскийга унинг ўгли Семён билан бирга ўз қайноғаси Шихматни элчи қилиб юборди. Василийни эса хон ўзи билан бирга ушлаб турди. Тўхтамиш кўшинлари Ўрдага жуда катта ўлжа билан қайтдилар, шу жумладан, кўплаб одамлар кулликка олинди.

Оқибатлар

Москвага қайтиб, Дмитрий кўрган нарсасидан хайратда қолди. Солномачилар тасвирлашча, у жасадларини хазина ҳисобидан дафн қилишни буюрган марҳумлар учун чуқур қайғуда бўлган. Қанча тўланганлиги ва, тегишлича, қанча одам вафот этгани ҳақидаги маълумотлар турлича. «Воскресенская летопись» хабар беришича, улар 80 та жасадни тозалаш учун бир рубл тўлашган, жами 300 рубл сарфланган. Шундай қилиб, ўлганлар сони 24 мингга ташкил этган. Бундан фарқли ўларок, «Рогожский летописец» 70 та жасад учун бир рубл тўлагани, аммо жами 150 рубл сарфлангани, яъни 10 минг ўлик ҳақида ёзади. Тарихчи М.Тихомиров «Рогожский летописец» маълумотларини ишончлироқ деб ҳисоблади. У вайронагарчилик арафасида Москва аҳолисини 20 минг киши деб ҳисоблаган. Халқ шаҳар ва қишлоқларни қайта қура бошлади.

Бир неча кундан кейин Дмитрий тўпланган кўшинни хиёнатчи Олег Рязанскийни жазолаш учун юборди. Олег қичик бир гуруҳ билан қочиб қўлди. 7 октябрь куни Кипр Твердан Москвага қайтиб қолди, аммо Дмитрий билан можаро туфайли у тез орада Киевга жўнаб кетди. Ўша йилнинг кузига Тўхтамишдан Қарач исми элчи Москвага тинчлик таклифи билан қолди. 1383 йил 23 апрелда Дмитрий қатта ўгли Василийни Ўрдага юборди. 1382 йилнинг кузига Михаил Тверской ўгли Александр ва Дмитрий Суздальскийнинг укаси Борис Городецкий билан Владимирнинг Буюк князлиги ёрлиги учун Ўрдага боришди. Бирок, Дмитрий Тўхтамишга Мамай маглубиятидан кейин ўтган 2 йил учун ўлпон тўлади, бунинг учун Тўхтамиш Буюк князликни Москва князлари оиласига юкледи, Тверь князлиги эса Владимир князлигидан мустақилликка эришиб, Кашинни ўз таркибига қайтариб олди.

1388 йилда Тўхтамиш ўзининг собик хомийси Амир Темурга қарши чиқди. Форс тарихчиси Шарафиддин Яздийнинг ёзишича, бу юришда Олтин Ўрда қўшини қисман руслардан иборат эди.

Абу Муслим тайёрлади